

**Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг
тасарруфидаги корхонада манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва унга
доир зарур чораларни кўриш бўйича ўтказилган йиғилиш
Б А Ё Н И**

2018 йил «25» июнь

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: Б.Сагдуллаев - Агентлик бош директори ўринбосари,
Одоб-ахлоқ комиссияси раиси

Қатнашганлар: Агентлик таркибий бўлинма бошлиқлари ва IP-CENTER Ўқув
маркази ДУК раҳбарияти
А.Ахмедова - Агентлик Қасаба уюшмаси қўмитаси раиси
Г.Кенжаахунова - Кадрлар бўйича инспектор

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сон Қарори билан тасдиқланган 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг Интеллектуал мулк агентлигидаги ижроси тўғрисида.

2. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг тасарруфидаги корхонада манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича зарур чораларни кўриш тўғрисида.

(Сагдуллаев, Кенжаахунова, Умирова, Сагдуллаев)

Кун тартибидаги дастлабки масала бўйича Агентлик бош директори ўринбосари, Одоб-ахлоқ комиссияси раиси Б.Сагдуллаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 йилдаги ПҚ-2752-сон қарори билан тасдиқланган “2017-2018 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури” ижроси юзасидан Бош прокуратурага белгиланган муддатларда Агентлик томонидан ҳисоботлар бериб турилганлигини таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга Бош прокуратура томонидан давлат органлари ва ташкилотларида коррупция ҳолатларини олдини олиш ва баргараф этиш чора-тадбирларига устувор мақом берилганлиги, мазкур масала шахсан Бош прокурорнинг назоратида эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Агентлик бош директори ўринбосари Б.Сагдуллаев ўз нутқи давомида юқоридаги чора-тадбирлар ижроси юзасидан ҳисоботларни белгиланган муддатларда ва сифатли равишда доимий равишда Бош прокуратурага тақдим этиб борилиши тўғрисида тегишли топшириқларни бериб ўтди.

Кун тартибидаги иккинчи масала манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ эканлиги бўйича Б.Сагдуллаев сўз олиб, бу масалага жиддий нуктаи-назар билан қараш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Манфаатлар тўқнашувига оид қоидалар Агентликнинг 2017 йил 3 ноябрдаги 123-сон буйруғи билан тасдиқланган Одоб-ахлоқ қоидаларининг бешинчи қисмидан ўрин олганлиги айтиб ўтилди. Унга кўра, Агентлик ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак. Манфаатлар тўқнашуви юз берган тақдирда Агентлик ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини, раҳбар эса Комиссияни дарҳол хабардор қилиши лозим. Ўз навбатида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар олган таркибий бўлинма раҳбари Комиссиянинг хулосасига кўра, бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши лозимлиги айтиб ўтилди.

Манфаатлар тўқнашуви Агентлик ходимларига бир қатор қўшимча маъсулиятларни юклайди. Хусусан, унга кўра патент вакили ёки талабнома берувчи мустақил жисмоний ёки юридик шахс томонидан Агентликка тегишли талабнома (хужжат) топширилганда, ходим (эксперт) унинг қариндоши ёки яқин таниши бўлган тақдирда бу ҳақида бевосита тегишли бўлим раҳбарини ва Агентлик одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича комиссияни хабардор қилиши лозимлиги қатъий таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш давомида Кадрлар бўйича инспектор Г.Кенжаахунова сўз олиб, Бош прокуратура томонидан ҳозирги кунда айнан манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини олдини олиш ва бартараф этиш юзасидан тегишли ишлар олиб борилаётганлиги, хусусан июль ойидан бошлаб тегишли вазирлик ва идораларда ўрганишлар ўтказишлиги айтиб ўтди. Шу мақсадда ҳар бир таркибий бўлинма раҳбари ўзи раҳбарлик қилаётган бўлим ходимларининг яқин қариндошлари патент вакили сифатида ёки Агентликка талабнома топширувчи бирон-бир мутахассис сифатида иш олиб борадиган бўлса бу ҳақида тегишли билдирги ёзишлиги лозимлигини айтиб ўтди. Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бартараф этишдан асосий мақсад Агентлик экспертиза бўлимлари ходимларининг мустақиллиги, иш жараёнида шаффофлиги ва холислигини таъминлаш ва бу тамойилларга тегишли эксперт (мутахассис)ларни қатъий риоя қилишлигини таъминлашдан иборатдир.

Г.Кенжаахунова сўзи давомида Агентлик ходимларини юқоридаги Одоб-ахлоқ қоидалари билан яна бир бор танишиб чиқишлари лозимлигини ҳамда шу билан бирга Қоидаларга қатъий риоя қилиш лозимлигини айтиб ўтди.

Раислик қилувчи Б.Сагдуллаев барча бўлинма бошликлари ўзлари раҳбарлик қилаётган бўлим ходимлари билан мазкур масалада яна бир бор суҳбат ўтказиб, агарда кимнингдур қариндоши ёки яқин таниши айнан мазкур йўналишда фаолият юритадиган бўлса, бу ҳақида Агентлик ва тасарруфдаги корхонанинг Одоб-ахлоқ бўйича комиссиясини огоҳлантириши лозимлигини айтиб ўтди.

Комиссия раиси Б.Сагдуллаев мазкур комиссия иш фаолиятида самарадорликни таъминлаш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, иш жамоасида ўзаро ҳурмат ва белгиланган одоб-ахлоқ меъёрларига қатъий риоя

қилишликни таъминлаш мақсадида йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини билдирди.

Кўрилган масала бўйича билдирилган фикр ва мулоҳазалар муҳокамаси асосида қарор қилинди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 йилдаги ПҚ-2752-сон қарори билан тасдиқланган “2017-2018 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури” ижроси юзасидан Бош прокуратурага тақдим этиб борилаётган ҳисобот ва маълумотларни белгиланган муддатларда берилишига жиддий эътибор қаратилсин. (масъул–Г.Юсупханова).

2. Кадрлар бўйича инспектор Г.Кенжаахунова Агентлик ходимларини патент вакили сифатида фаолият юритадиган яқин қариндошлари ҳақидаги тегишли объективкалари асосида маълумот тақдим этилишини таъминласин.

3. Агентлик барча таркибий бўлинмалар ва IP-CENTER Ўқув маркази ДУК томонидан Агентликнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича координатори (котиб) бевосита патент вакиллари ёки бошқа талабнома (ҳужжат) топширувчи шахслар билан қариндошлиги ёки яқин муносабатдалиги хусусида 2018 йил 29 июнь кунига қадар Одоб-ахлоқ комиссияси аъзоси А.Юлдашовга батафсил маълумот тақдим этилсин.

4. Мазкур йиғилиш қарори ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Комиссия раиси

Б.Сагдуллаев

Котиб

А.Юлдашов